



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТЎЛОВ БАЛАНСИ, ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МАВҚЕИ ВА ТАШҚИ ҚАРЗИ



Бу қандай
нашр?

Ушбу нашр 2025 йилнинг 9 ойи учун Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича маълумотларни ўз ичига олиб, Халқаро валюта жамғармасининг “Тўлов баланси ва халқаро инвестициявий мавқе бўйича қўлланмаси”нинг олтинчи нашрига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) ҳамда “Ташқи қарз статистикаси бўйича қўлланма”га (2013 й.) мувофиқ тайёрланган.

Маълумотлар
қайси санага
долзарб?

Ушбу нашрда келтирилган статистик маълумотлар 2025 йил 30 декабрь ҳолатига долзарб ҳисобланади.

Маълумотларни
қаердан олиш
мумкин?

Тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ҳамда ташқи қарзи бўйича таҳлилий ва стандарт кўринишдаги статистик жадваллар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг <http://www.cbu.uz/> ва ХВЖнинг <http://data.imf.org/> веб-сайтлари орқали тақдим қилинмоқда.

Нашрга
тааллуқли
савол ва
таклифлар
бўйича қандай
муурожаат қилиш
мумкин?

О.О. Тожиддинов

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси
департаменти директори*

(+998) 71 212-60-38

o.tojiddinov@cbu.uz

Р.М. Мирзаахмедов

*Валютани тартибга солиш ва тўлов баланси
департаменти директори ўринбосари –
Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи*

(+998) 71 212-60-99

r.mirzaahmedov@cbu.uz

Ш.Х. Хайитбоев

Тўлов баланси бошқармаси бошлиғи ўринбосари

(+998) 71 212-60-42

sh.khayitboev@cbu.uz

Шунингдек, саволлар ва таклифлар қўшимча равишда val@cbu.uz электрон почта манзилига юборилиши мумкин.

ҚИСҚАЧА ШАРҲ

2025 йил бошидан Ўзбекистоннинг ташқи секторида кузатилган ижобий тенденциялар, хусусан экспортнинг импортга нисбатан юқори суръатларда ўсиши ҳамда мамлакатга халқаро пул ўтказмалари ҳажмининг сезиларли даражада ошиши жараёнлари III чорак давомида ҳам сақланиб қолди. Натижада, 9 ой якуни билан **жорий операциялар ҳисоби 207,3 млн доллар манфий сальдо билан шаклланди (2024 йилнинг 9 ойида 3,1 млрд долл).**


Мазкур даврда халқаро бозорларда хомашё нархларининг ўзгариши¹ ҳамда норезидентларга кўрсатилган хизматлар ҳажмининг кўпайиши экспорт кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Жами **экспорт** ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **32,8 фоизга ўсиб, 26,1 млрд долларни** ташкил қилди.

Мамлакатда инвестициявий фаоллик ва ички истеъмол талаби юқори даражада сақланиб қолиши шароитида хориждан машина ва ускуналар, кимёвий, маиший ва озиқ-овқат товарлари ҳамда бошқа хомашёлар келтирилиши сабабли жами **импорт** ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **15,4 фоизга ўсиб, 36,7 млрд долларга** етди.

Натижада, 2025 йилнинг 9 ойида **савдо балансининг** манфий сальдоси ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,6 фоизга камайиб, **10,6 млрд долларни** ташкил қилди.

Жорий операциялар ҳисоби компонентлари

ЯИМга нисбатан фоизда



¹ Жаҳон банкининг хомашё товарлари нархларига оид маълумотларига кўра, 2025 йилнинг январь-сентябрь ойларида олтиннинг ўртача нархи ўтган йилнинг мос давридаги ўртача нархга нисбатан 40 фоизга, кумуш нархи 29 фоизга ҳамда мис нархи 5 фоизга ўсган.

Жорий йилнинг 9 ойида Ўзбекистонга келиб тушган халқаро пул ўтказмалар ҳажмининг ўсиши **бирламчи ва иккиламчи даромадлар** баланси ижобий сальдо (мос равишда 624,9 млн долл ва 9,8 млрд долл) билан шаклланишига сабаб бўлди.

Жорий операциялар ҳисоби тақчиллиги молиявий ҳисоб бўйича капитал тушумлар, хусусан, тўғридан-тўғри, портфель инвестициялар ва бошқа маблағлар жалб қилиниши ҳисобига молиялаштирилди.

Жумладан, 2025 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатга **тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф киритилиши**² ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,7 баробарга ўсиб, 2,9 млрд долларга тенг бўлди.


Портфель инвестицияларнинг соф жалб қилиниши асосан халқаро облигациялар билан боғлиқ операциялар ҳисобига ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,2 баробарга ошиб, 3,8 млрд долларни ташкил қилди.

Юқоридаги таркибий омиллар ҳисобига жорий йилнинг 9 ойи якуни бўйича **молиявий ҳисоб** манфий сальдоси **955,8 млн долларни** ташкил этди.

2025 йилнинг 9 ойида **халқаро захира активларининг** хорижий валютадаги қисми 1,5 млрд долларга кўпайиши кузатилди. Шунингдек, олтин жаҳон нархининг юқори суръатларда ўсиши натижасида халқаро захиралар қолдиғи жорий йил бошига нисбатан қарийб 13,8 млрд долларга кўпайиб, 2025 йилнинг 1 октябрь ҳолатига қарийб **55 млрд долларни** ташкил қилди.

Молиявий ҳисоб компонентлари

ЯИМга нисбатан фоизда



² Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Халқаро валюта жамғармасининг қўлланмасига (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) мувофиқ соф ҳажмларда (инвестиция киритилиши ва репатриацияси ўртасидаги сальдо) акс эттирилади.

Тўлов балансида акс этган амалиётлар ва бошқа ўзгаришлар таъсирида Ўзбекистоннинг **соф халқаро инвестициявий мавқеи** жорий йил бошига нисбатан **1,6 баробарга** мустаҳкамланиб, 2025 йил 1 октябрь ҳолатига **21,4 млрд** долларга етди.

Бунда, резидентларнинг чет эл валютасидаги активлари ҳажми йил бошига нисбатан 21,9 млрд долларга (23 фоиз) ҳамда ташқи мажбуриятлари ҳажми 13,7 млрд долларга (16 фоиз) кўпайди.

Хориждан жалб қилинган давлат қарзи қолдиғининг чораклик ўсиш суръатларида сезиларли пасайиш кузатилди. Жумладан, I чорақда кўрсаткич 5,7 фоизга, II чорақда 3 фоизга ўсган бўлса, III чорақда ўсиш 1,2 фоизни ташкил этди. 2025 йил 1 октябрь ҳолатига ушбу маблағлар қолдиғи 37,4 млрд долларни³ ташкил қилди.

Хўжалик субъектлари ва банклар томонидан норезидентлардан жалб қилинган корпоратив кредит ва қарзлар қолдиғи 38 млрд долларга тенг бўлди.

Маълумот учун: Норезидентлардан жалб қилинган корпоратив қарз маблағлари таркибида хусусий сектор, жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, айланма маблағларни тўлдириш, бизнес фаолиятини кенгайтириш ва бошқа мақсадларда давлат кафолатисиз жалб этилган кредит ва қарзлар акс эттирилади. Шу ўринда, ХВЖ ҳамда халқаро рейтинг агентликлари баёотларида Ўзбекистоннинг ташқи қарз юки ўртача даражада эканлиги (асосан имтиёзли шартларда олинган) эътироф этилган.

2026 ЙИЛ УЧУН КУТИЛМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси тўлов балансининг 2026 йил учун **дастлабки прогноз** кўрсаткичлари шакллантирилди. Бунда жорий ва кейинги йилларда мамлакатимиз ва унинг асосий савдо ҳамкорларидаги иқтисодий фаоллик даражаси, халқаро молия ва товар-хомашё бозорлари конъюнктураси, меҳнат ва капитал миграцияси, шунингдек ташқи савдо ва логистика соҳаларидаги ўзгаришлар динамикаси бўйича экспертларнинг кутилмалари ва баҳолашлари инобатга олинди⁴.

Ўзбекистоннинг экспорт товарларига ташқи ялпи талаб асосий савдо ҳамкор мамлакатлардаги иқтисодий фаоллик даражаси, халқаро савдо сиёсатидаги вазият, шу билан бирга жаҳон иқтисодиётидаги мавжуд ноаниқликларнинг сақланиб қолишига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

³ ХВЖнинг ТБҚ 6-сон қўлланмасига мувофиқ қарз инструментлари бўйича қолдиқ ҳисобланган, лекин тўланмаган фоизларни ҳам ўз ичига олади.

⁴ 2026 йил давомида ички ва ташқи омилларнинг ривожланиши ҳамда иқтисодий кутилмаларнинг ўзгаришидан келиб чиқиб, прогноз кўрсаткичлар қайта кўриб чиқиб борилади.

Жорий йилнинг октябрь ойидаги Халқаро валюта жамғармаси томонидан жаҳон мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий ўсиш суръатлари бўйича прогнозлар қайта кўриб чиқилган.

Жумладан, Халқаро валюта жамғармасига кўра, 2026 йилда Хитой иқтисодиёти 4,2 фоизга (2025 й. 4,8%), Россия 1 фоизга (2025 й. 0,6%), Туркия 3,7 фоизга (2025 й. 3,5%) ва Қозоғистон 4,8 фоизга (2025 й. 5,9%) ўсиши мумкин⁵.

Ўзбекистоннинг асосий экспорт хомашё маҳсулотларининг жаҳон нархлари бўйича ижобий кутилмалар сақланиб қолмоқда. Хусусан, сўнгги бир йил давомида халқаро савдо сиёсатидаги ўзгаришлар, геосиёсий вазият ва глобал молиявий шароитлар билан боғлиқ ноаниқликлар фонида 1 тр. унция олтиннинг нархи 60 фоизгача ўсиб, 4 000 доллардан юқори шаклланди. Ушбу тенденция кейинги йилда ҳам сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда⁶.

Кумуш ва мис нархларининг жорий йилда кузатилган ўсиш тренди 2026 йил давомида ҳам сақланиб қолиши бўйича кутилмалар мавжуд⁷. 2025 йилнинг ўн бир ойи якунларига кўра, ушбу металллар нархи йил бошига нисбатан мос равишда 64 фоиз ва 21 фоизга ўсди.

2026 йилда туризм, транспорт ва логистика ҳамда коммуникация, компьютер ва ахборот технологиялари (IT) соҳаси хизматлар экспортининг асосий драйверлари сифатида сақланиб қолиши кутилмоқда. Ушбу соҳаларда ислохотларнинг изчил давом эттирилиши норезидентларга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг 2026 йилда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши кутилмоқда. Бу эса маҳаллий товарларнинг ташқи бозорларга чиқиш имкониятларини кенгайтириш, экспорт географиясини диверсификация қилиш ҳамда рақобатбардошликни оширишга хизмат қилади.

Юқорида қайд этилган омиллар таъсирида, тўлов баланси бўйича дастлабки прогнозларга кўра, 2026 йилда **жами экспорт** ҳажми ўтган йилга нисбатан 14-16 фоизга ошиши мумкин.

Келгуси йилда ҳам юқори инвестициявий фаоллик ва ички истеъмол талаби импорт динамикасини белгиловчи омиллардан бўлади. Ўзбекистон иқтисодиёти реал ҳисобда 5,5-6,5 фоизга ва якуний истеъмол харажатлари 6-6,5 фоизга ўсиши кутилмоқда⁸.

⁵ Жаҳон иқтисодий истиқболлари, ХВЖ, 2025 й. октябрь.

⁶ Олтин бозори шарҳи, Жаҳон олтин уюшмаси, 2025 й. декабрь.

⁷ Хомашё бозорлари истиқболлари, Жаҳон банки, 2025 й. октябрь.

⁸ Пул-кредит сиёсатининг 2026 йил ва 2027-2028 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нашри, 2025 йил.

Ушбу жараёнлар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестиция дастурлари доирасида машина, ускуна ва механизмлар, транспорт воситалари, озиқ-овқат, кимё ва металлургия саноати маҳсулотлари ҳамда бошқа хомашёлар импорти ўсишида намоён бўлиши мумкин.

Мазкур омиллар таъсирида 2026 йилда **жами импорт** ҳажми 2025 йилга нисбатан 12-14 фоизга кўпайиши прогноз қилинмоқда.

2026 йилда аксарият меҳнат муҳожирларни қабул қилувчи мамлакатларда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари кутилмаларга нисбатан пастроқ шаклланишига қарамасдан, ишчи кучига талаб ва иш ҳақларининг юқори даражада сақланиб қолиши меҳнат муҳожирлари даромадларининг ошишини рағбатлантириши мумкин.

Шунингдек, ҳукуматлараро келишувлар доирасида меҳнат муҳожирларини ривожланган мамлакатларга юбориш борасида тизимли ишлар амалга оширилиши давом этишини инобатга олиб, Ўзбекистонга **халқаро пул ўтказмалари** ҳажми 12-15 фоизга ошиши кутилмоқда.

2024 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб глобал молиявий шароитларни босқичма-босқич юмшатиш жараёнлари ортидан халқаро молия бозорларида фоиз ставкалари пасайиши кузатилди (*SOFR ставкаси ўртача 5,3 фоиздан 4 фоизгача тушган*). Келгуси йилда ҳам ставкаларнинг нисбатан паст даражада шаклланиши норезидентлардан сузувчан фоиз ставкалари асосида жалб қилинган кредит ва қарзларга хизмат кўрсатиш, шунингдек янги қарздорликлар жалб қилиш бўйича харажатларнинг камайишига хизмат қилиши мумкин.

2026 йилда савдо баланси манфий сальдосини қисман қоплаб берувчи **бирламчи ва иккиламчи даромадлар** компонентининг ижобий сальдоси ўтган йилга нисбатан 12-14 фоизга ошиши тахмин қилинмоқда.

Юқоридаги омиллар таъсирида, **2026 йил** якуни билан тўлов баланси **жорий операциялари ҳисобининг** манфий сальдоси ЯИМнинг 3-4 фоизи атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда (*2025 йил учун кутилма 3,5-4 фоиз*).

Марказий банк Ўзбекистон тўлов баланси, халқаро инвестициявий мавқеи ва ташқи қарз кўрсаткичларини шакллантириш доирасидаги ҳамкорлик учун тегишли вазирлик, идора ва бошқа ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

1-илова. 2023-2025 йилларнинг 9 ойи учун тўлов баланси
(таҳлилий кўриниши)

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	2023 йил 9 ойи	2024 йил 9 ойи	2025 йил 9 ойи
А. Жорий операциялар ҳисоби сальдоси	-4 157,4	-3 099,4	-207,3
Товарлар, кредит (экспорт)	14 270,0	14 881,5	19 623,2
Товарлар, дебет (импорт)	23 938,1	24 272,8	27 128,3
Хизматлар, кредит (экспорт)	4 046,2	4 762,6	6 458,0
Хизматлар, дебет (импорт)	5 852,2	7 526,3	9 574,7
<i>Савдо баланси сальдоси</i>	<i>-11 474,1</i>	<i>-12 154,9</i>	<i>-10 621,8</i>
Бирламчи даромадлар, кредит	4 061,0	4 351,8	5 034,7
Бирламчи даромадлар, дебет	3 032,6	3 268,6	4 409,8
<i>Савдо баланси ва бирламчи даромадлар сальдоси</i>	<i>-10 445,8</i>	<i>-11 071,8</i>	<i>-9 996,9</i>
Иккиламчи даромадлар, кредит	6 957,2	8 738,7	10 859,4
Иккиламчи даромадлар, дебет	668,8	766,4	1 069,8
В. Капитал операциялари ҳисоби	7,9	6,0	10,6
Капитал операциялар ҳисоби, кредит	7,9	6,0	10,6
Капитал операциялар ҳисоби, дебет	0,0	0,0	0,0
<i>Жорий операциялар ҳисоби ва капитал операциялар ҳисоби сальдоси</i>	<i>-4 149,4</i>	<i>-3 093,4</i>	<i>-196,7</i>
С. Молиявий ҳисоб (захира активларидан ташқари)	-2 252,7	-3 320,0	-2 539,3
Тўғридан тўғри инвестициялар, активлар	11,1	14,0	146,8
Тўғридан тўғри инвестициялар, мажбуриятлар	1 757,7	1 672,8	2 919,3
Портфель инвестициялар, активлар	0,2	0,3	0,1
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	0,2	0,3	0,1
Қарз инструментлари	0,0	0,0	0,0
Портфель инвестициялар, мажбуриятлар	131,1	1 703,5	3 806,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	16,0	-7,1	6,8
Қарз инструментлари	115,1	1 710,7	3 799,4
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин- валюта захираларидан ташқари)	1,6	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, активлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молиявий инструментлар, мажбуриятлар	-1,6	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	2023 йил 9 ойи	2024 йил 9 ойи	2025 йил 9 ойи
Бошқа инвестициялар, активлар	3 785,3	4 482,4	7 814,0
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,4	5,0	10,0
Қарз инструментлари	3 784,8	4 477,4	7 804,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	-781,9	857,8	1 786,9
Давлат бошқарув сектори	-13,9	-9,8	-13,7
Бошқа секторлар	4 580,7	3 629,4	6 030,9
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	4 580,7	3 629,4	6 030,9
Бошқа инвестициялар, мажбуриятлар	4 162,1	4 440,4	3 774,7
Капиталда иштирок этишнинг бошқа инструментлари	0,0	0,0	0,0
МҚХ тақсимланиши	2,2	-0,7	-0,7
Қарз инструментлари	4 159,9	4 441,0	3 775,5
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Депозит ташкилотлари, Марказий банк бундан мустасно	803,9	188,1	1 544,6
Давлат бошқарув сектори	1 113,0	2 389,1	1 339,5
Бошқа секторлар	2 243,0	1 863,8	891,4
Бошқа молиявий ташкилотлар	21,1	7,9	-9,3
Номолиявий ташкилотлар, уй хўжаликлари ва УХХКНТ	2 221,9	1 855,9	900,6
D. Соф хатолар ва йўқотишлар	-2 765,6	-811,8	-759,1
E. Умумий баланс	4 662,3	585,3	-1 583,5
F. Захиралар ва улар билан боғлиқ моддалар	-4 662,3	-585,3	1 583,5
Захира активлари	-4 692,6	-677,5	1 522,1
ХВЖдан соф қарз жалб қилиш (ХВЖдаги захира позициясидан ташқари)	-30,4	-92,3	-61,4
Бошқа молиялаштириш	0,0	0,0	0,0

Ушбу статистик ҳисобот тўлов балансини тузиш қўлланмасининг (ТБҚ 6-сон, ХВЖ, 2009 й.) 6-нашрида келтирилган таҳлилий кўринишни акс эттиради.

**2-илова. 2023-2024 йиллар ва 2025 йилнинг 9 ойи якунига кўра
халқаро инвестициявий мавқе
(таҳлилий кўриниши)**

(млн доллар)

Кўрсаткичлар	01.01.2024й.	01.01.2025й.	01.10.2025й.
Активлар	84 883,5	96 624,7	118 512,4
Тўғридан-тўғри инвестициялар	209,9	243,8	395,6
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	37,1	69,0	220,8
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	37,1	69,0	220,8
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	172,8	174,8	174,8
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	2,5	2,6	2,6
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	170,4	172,2	172,2
Портфель инвестициялар	2,9	3,1	3,4
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	2,9	3,1	3,4
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1,1	1,1	1,1
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	1,8	2,0	2,3
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Қарз қимматли қоғозлари	0,0	0,0	0,0
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	0,0	0,0	0,0
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	0,0	0,0	0,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0

Кўрсаткичлар	01.01.2024й.	01.01.2025й.	01.10.2025й.
Ҳосилавий молиявий инструментлар (олтин валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	50 106,0	55 196,2	63 118,8
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	2,0	7,0	17,0
Қарз инструментлари	50 104,0	55 189,2	63 101,8
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	3 242,7	4 061,9	5 958,1
Давлат бошқаруви сектори	4,8	2,8	9,7
Бошқа секторлар	46 856,5	51 124,5	57 134,0
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Захира активлари	34 564,6	41 181,6	54 994,5
Монетар олтин	24 632,2	32 036,7	44 236,4
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари	563,0	547,3	575,4
ХВЖдаги захира позицияси	0,0	0,0	0,0
Бошқа захира активлари	9 369,5	8 597,7	10 182,7
Мажбуриятлар	72 710,0	83 367,3	97 071,9
Тўғридан-тўғри инвестициялар	14 866,9	16 941,3	20 576,9
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	11 356,8	12 160,0	14 576,8
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	11 356,8	12 160,0	14 576,8
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	0,0	0,0	0,0
Қарз инструментлари	3 510,1	4 781,2	6 000,1
Тўғридан-тўғри инвесторнинг тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонага инвестициялари	3 217,4	4 329,2	5 235,9
Тўғридан-тўғри инвестиция киритилган корхонанинг тўғридан-тўғри инвесторга инвестицияси (тескари инвестициялаш)	0,0	0,0	0,0
Қардош корхоналар ўртасида инвестициялар	292,7	452,0	764,2

Кўрсаткичлар	01.01.2024й.	01.01.2025й.	01.10.2025й.
Портфель инвестициялар	5 295,5	8 428,9	13 157,2
Капиталда иштирок этиш инструментлари ва инвестицион фондларнинг пай/акциялари	123,7	117,2	136,4
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	57,5	75,1	84,5
Давлат бошқаруви сектори	0,0	0,0	0,0
Бошқа секторлар	66,3	42,1	51,9
Бошқа молиявий ташкилотлар	1,7	1,7	3,4
Қарз қимматли қоғозлари	5 171,8	8 311,7	13 020,7
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	1 027,7	2 340,4	2 962,4
Давлат бошқаруви сектори	3 284,9	4 049,9	6 201,1
Бошқа секторлар	859,2	1 921,4	3 857,3
Бошқа молиявий ташкилотлар	0,0	0,0	0,0
Ҳосилавий молия инструментлар (олтин-валюта захираларидан ташқари) ва ходимлар учун акцияларнинг опционлари	0,0	0,0	0,0
Бошқа инвестициялар	52 547,6	57 997,1	63 337,9
Бошқа капиталда иштирок этиш инструментлари	0,0	0,0	0,0
Қарз олишларнинг махсус ҳуқуқлари (мажбуриятларни соф қабул қилиш)	1 068,8	1 037,4	1 089,8
Бошқа қарз инструментлари	51 478,9	56 959,7	62 248,1
Марказий банк	0,0	0,0	0,0
Марказий банкдан бошқа депозит ташкилотлари	11 215,2	11 680,7	13 771,9
Давлат бошқаруви сектори	21 353,4	25 330,8	27 111,6
Бошқа секторлар	18 910,3	19 948,2	21 364,6
Бошқа молиявий ташкилотлар	114,1	119,3	121,1
Соф халқаро инвестициявий мавқе	12 173,5	13 257,5	21 440,5